

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим

2024 йил якуни бўйича.


- I. Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари
- II. Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони
- III. 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши
- IV. Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар
- V. Мактабгача таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари

Мактабгача таълим ташкилоти — мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилот.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади.

Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони
(тегишли йил якуни бўйича, бирлик)



2024 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотларининг умумий сони, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини қўшган ҳолда, **38 058 тани** ташкил этган ва 2023 йил якунига нисбатан **2 085 тага**, яъни **5,8 % га** ошган.

Ўзбекистон Республикасидаги оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони эса 2024 йил якунига кўра **28 729 тани** ташкил этган бўлиб, 2023 йилга нисбатан **1 871 тага**, яъни **7,0 % га** кўпайган.

Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сонини
ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил якуни бўйича, бирлик)

	Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони		Жумладан, оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони	
	жами	жамига нисбатан % даги улуши	жами	жамига нисбатан % даги улуши
Ўзбекистон Респ.	38 058	100,0	28 729	100,0
Қорақалпоғистон Респ.	1 874	4,9	1 269	4,4
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	4 324	11,4	3 529	12,3
Бухоро	2 153	5,7	1 518	5,3
Жиззах	1 709	4,5	1 370	4,8
Қашқадарё	4 216	11,1	3 544	12,3
Навоий	1 466	3,8	1 147	4,0
Наманган	3 962	10,4	3 207	11,2
Самарқанд	4 507	11,8	3 519	12,2
Сурхондарё	3 077	8,1	2 421	8,4
Сирдарё	1 145	3,0	893	3,1
Тошкент	2 340	6,1	1 565	5,4
Фарғона	4 189	11,0	3 069	10,7
Хоразм	2 049	5,4	1 571	5,5
Тошкент ш.	1 047	2,8	107	0,4

2024 йил якунига кўра ҳудудлар кесимида энг кўп фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари Самарқанд (**4 507 та**), Андижон (**4 324 та**) ва Қашқадарё (**4 216 та**) вилоятларида қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар эса Тошкент шаҳри (**1 047 та**), Сирдарё (**1 145 та**) ва Навоий (**1 466 та**) вилоятларида кузатилган.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари сони бўйича ҳам энг юқори кўрсаткичлар Қашқадарё (**3 544 та**), Андижон (**3 529 та**) ва Самарқанд (**3 519 та**) вилоятларига тўғри келган. Энг паст кўрсаткичлар эса Тошкент шаҳри (**107 та**), Сирдарё (**893 та**) ва Навоий (**1 147 та**) вилоятларида қайд этилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони \(жами\)](#)
[Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони \(шаҳар\)](#)
[Фаолият юритаётган мактабгача таълим ташкилотлари сони \(қишлоқ\)](#)
[Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони \(жами\)](#)
[Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони \(шаҳар\)](#)
[Мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони \(қишлоқ\)](#)

II. Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони

2024 йил якунига бўйича Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болалар сони **2 350,0 минг нафарни** ташкил этган ва 2023 йил якунига нисбатан **180,5 минг нафарга** ёки **8,3 %** га ошган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони

(тегишли йил якуни бўйича, минг киши)



Кузатилаётган давр мобайнида мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган қиз болалар сони **168,9 минг нафарга**, яъни **18,4 %** га ошган бўлса, ўғил болалар сони **11,6 минг нафарга**, яъни **0,9 %** га кўпайган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2024 йил якуни бўйича, минг киши)

	Жами болалар сони	Жамига нисбатан % даги улуши	улардан:		умумий сонидан, % да	
			қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар
Ўзбекистон Респ.	2 350,0	100,0	1 086,0	1 264,0	46,2	53,8
Қорақалпоғистон Респ.	123,7	5,3	51,4	72,3	41,6	58,4
вилоятлар:		0,0				
Андижон	246,1	10,5	120,7	125,4	49,0	51,0
Бухоро	133,1	5,7	58,9	74,2	44,3	55,7
Жиззах	105,0	4,5	50,2	54,8	47,8	52,2
Қашқадарё	202,8	8,6	102,7	100,1	50,6	49,4
Навоий	73,5	3,1	31,5	42,0	42,9	57,1
Наманган	209,0	8,9	102,1	106,9	48,9	51,1
Самарқанд	267,3	11,4	124,5	142,8	46,6	53,4
Сурхондарё	182,4	7,7	75,9	106,5	41,6	58,4
Сирдарё	63,4	2,7	29,2	34,2	46,1	53,9
Тошкент	167,8	7,1	76,7	91,1	45,7	54,3
Фарғона	284,6	12,1	137,2	147,4	48,2	51,8
Хоразм	129,2	5,5	62,3	66,9	48,2	51,8
Тошкент ш.	162,1	6,9	62,7	99,4	38,7	61,3

2024 йил якунига бўйича мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг энг кўп қисми Фарғона (**284,6 минг**), Самарқанд (**267,3 минг**) ва Андижон (**246,1 минг**) вилоятларида қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**63,4 минг**), Навоий (**73,5 минг**) ва Жиззах (**105,0 минг**) вилоятларида кузатилган.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги болаларнинг гендер тақсимооти шуни кўрсатадики, Қашқадарё вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланаётган болаларнинг умумий сонидан қиз болалар улуши (**50,6 %**) ўғил болалар улушига нисбатан юқори бўлган. Бошқа барча ҳудудларда эса ўғил болалар улуши юқори бўлган. Уларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (**61,3 %**), Сурхондарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига (ҳар бир ҳудудда **58,4 % дан**) тўғри келган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони \(жами\)](#)

[Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони \(қиз болалар\)](#)

[Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони \(болалар\)](#)

[Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони \(шаҳар\)](#)

[Мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони \(қишлоқ\)](#)


III. 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши

3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси, ушбу ёшдаги болалар орасидан қанча қисми мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамровининг ўсиши кузатилади. Хусусан, 2020 йил якуни бўйича 3-6 ёшдаги болаларнинг **50,9 %** и мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, 2024 йил якунига келиб бу кўрсаткич **72,4 % га** етди.

3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши

(тегишли йил якуни бўйича, % да)



2024 йил якунида 3-6 ёшли ўғил болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши **74,9 %** ни, қиз болаларнинг қамрови эса **69,6 %** ни ташкил этган. 2020 йил маълумотларига нисбатан қиз болаларнинг қамрови **18,4 ф.п.га**, ўғил болаларники эса **24,2 ф.п.га** ошди.

3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамровининг
худудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил якуни бўйича, % да)

	Жами болалар қамрови	Қиз болалар қамрови	Ўғил болалар қамрови
Ўзбекистон Респ.	72,4	69,6	74,9
Қорақалпоғистон Респ.	80,0	68,5	90,9
вилоятлар:			
Андижон	80,0	82,2	77,9
Бухоро	81,6	75,3	87,5
Жиззах	72,4	72,3	72,4
Қашқадарё	59,3	63,0	56,0
Навоий	79,1	70,5	87,0
Наманган	72,5	73,7	71,4
Самарқанд	68,1	65,9	70,1
Сурхондарё	64,1	55,6	72,0
Сирдарё	78,2	74,5	81,7
Тошкент	67,8	64,4	70,9
Фарғона	79,7	79,6	79,8
Хоразм	79,5	79,6	79,3
Тошкент ш.	71,1	56,7	84,7

Агар 2024 йил якунига кўра, 3–6 ёшли болаларнинг энг кўп қисми Бухоро (**81,6 %**), Андижон (**80,0 %**) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (**80,0 %**) мактабгача таълим билан қамраб олинган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст қамров Қашқадарё (**59,3 %**), Сурхондарё (**64,1 %**) ва Тошкент вилоятига (**67,8 %**) тўғри келган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши](#)


[1-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши](#)

IV. Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар

Мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони мактабгача таълим сифатини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Болалар боғчалари малакали мутахассислар билан таъминланиши болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш даражасига, шунингдек, таълим дастурларини самарали амалга оширишга бевосита таъсир қилади.

2024 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган педагог ходимлар сони **174,6 минг нафарни** ташкил этган ва 2023 йилга нисбатан **7,0 мингтага**, яъни **4,2 %** га ошган.

Мақтабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони
(тегишли йил якуни бўйича, минг киши)



¹⁾ 2020-2022 йиллар якуни бўйича берилган маълумотлар оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сонисиз келтирилган.

Мақтабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сонини
ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил якуни бўйича, минг киши)

	Жами педагог ҳодимлар сони	Жамига нисбатан % даги улуши	улардан:		умумий сонидан, % да	
			аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
Ўзбекистон Респ.	174,6	100,0	167,0	7,6	95,6	4,4
Қорақалпоғистон Респ.	10,0	5,7	9,5	0,5	95,0	5,0
вилоятлар:		0,0			0,0	0,0
Андижон	17,9	10,2	17,4	0,5	97,2	2,8
Бухоро	11,3	6,5	10,7	0,6	94,7	5,3
Жиззах	7,4	4,2	7,1	0,3	95,9	4,1
Қашқадарё	14,3	8,2	13,8	0,5	96,5	3,5
Навоий	6,4	3,7	6,4	0,0	100,0	0,0
Наманган	16,7	9,6	15,9	0,8	95,2	4,8
Самарқанд	18,2	10,4	17,4	0,8	95,6	4,4
Сурхондарё	11,1	6,4	10,5	0,6	94,6	5,4
Сирдарё	4,4	2,5	4,0	0,4	90,9	9,1
Тошкент	12,1	6,9	12,0	0,1	99,2	0,8
Фарғона	23,2	13,3	22,4	0,8	96,6	3,4
Хоразм	9,1	5,2	8,6	0,5	94,5	5,5
Тошкент ш.	12,5	7,2	11,3	1,2	90,4	9,6

Агар 2024 йил якуни бўйича ҳудудлар кесимида мактабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимларнинг энг кўп қисми Фарғона (**23,2 минг**) ва Самарқанд (**18,2 минг**) вилоятларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**4,4 минг**) ва Навоий (**6,4 минг**) вилоятларида кузатилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Мақтабгача таълим ташкилотларидаги педагог ходимлар сони \(жами\)](#)

V. Мактабгача таълим бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Мактабгача таълим бола ҳаётидаги энг муҳим босқич бўлиб, у болаларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди, шахснинг шаклланишига, унинг интеллектуал, маънавий- ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишига, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга таъсир қилади ва уларнинг келажагини белгилайди. Гарчи бу болалар ривожланишининг турли соҳалари бўлсада, улар ўзаро боғлиқдир. Ҳозирги вақтда мактабгача таълим, таълим тизимининг ажралмас қисмига айланди ва унинг аҳамияти доимий равишда ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим бўйича статистик маълумотлар интеграция йўли билан олинadиган Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг маъмурий маълумотлари асосида шакллантирилади. Ушбу маълумотлар вазирлик томонидан ҳар йили тақдим этилади.

Мактабгача таълим бўйича статистик маълумотлар мактабгача таълим ташкилотлари сони, улардаги гуруҳлар ва ўринлар сони, болалар ва педагог ходимлар сони, шунингдек, мактабгача таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичларни қамраб олади. Ушбу маълумотлар Республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилиб, ҳисобот йили якуни бўйича келтирилади.

Жамланган маълумотлар таълим тизими ривожланишини мониторинг қилиш, режалаштириш, асосли қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, шунингдек, Барақарор ривожланиш мақсадлари ва бошқа халқаро мажбуриятлар доирасида халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[МСКО 2011](#)

[МСКО-0 2013](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: 71-202-80-00 (1300, 1305)

